2007 YIL 17 APREL, SESHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 47 (7.196). Sotuvda erkin narxda

## Бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан ЧАГАЕВга

Қадрли Руслан ўғлим!

Сени эришган улкан ғалабанг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бутун Ўзбекистон аҳли бугун сенинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасоратингни байрам қилмоқда. Биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган сендек ўғлонимизнинг тарихий ғалабани қўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Сенинг ҳалол ва муросасиз курашлар остида ўтган ғоят кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, юксак маҳорат, мустаҳкам ирода ва азму шижоатингни яна бир бор намоён этганинг ва шу тариқа ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очишга эришганинг барчамизни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай мард ва баҳодир йигитни – Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихорини вояга етказган оила аъзоларинг ва яқинларингга, устоз ва мураббийларингга самимий миннатдорлик билдираман.

Сени яна бир бор қутлаб, янги-янги зафар ва омадлар тилаб қоламиз.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Бугун, ҳаётимдаги энг қувончли кунда, ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун таниқли боксёр Николай Валуев билан беллашувда ғолиб чиққаним туфайли Ўзбекистон вакиллари кўп карра Осиё, жаҳон, Олимпия ўйинлари чемпионлари бўлди. Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси билан учрашув чоғида билдирган эзгу тилак ва доно маслаҳатларингиз ҳамон ёдимда. Ана шу ғамхўрлик натижасида Ўзбекистон вакили профессионал спортда илк бор жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Мамлакатимиз ҳақли равишда жаҳоннинг бокс ривожланган давлатлари қаторига қўшилди.

Мен ўз ғалабамни Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман. Қаерда бўлишим, қайси мамлакатда жанг ўтказишимдан қатъи назар, мен учун Ўзбекистон спорти шаънини himoя qилишдан кўра, муқаддасроқ нарса йўқ. Ҳар бир ғалабамдан сўнг қадрдон юртдошларим, устозларим, маҳалламиз оқсоқоллари билан учрашиш учун жонажон Андижон сари ошиқаман.

Ҳурматли Ислом ота, Сизнинг ишончингизни оқлаш учун, Ўзбекистон байроғи турли мамлакатларнинг стадионларида тез-тез юқори кўтарилиши учун бор куч ва иродамни сафарбар этаман, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз. Келгусида ўзимнинг тажриба ва маҳоратимни ёш боксчилар тайёрлаш ишига бағишлаш ниятидаман. Зеро, спорт ёш авлодга жонажон мамлакатимиз Мустақиллигини муносиб himoя qилишга ёрдам беради.

Фарзандлик ҳурмат-эҳтиромим билан,
**Руслан ЧАГАЕВ**

*2007 йил 15 апрель*

## Ўзбекистон Президентининг Мисрга ташрифи тўғрисида

2007 йил 17-19 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашув чоғида томонлар Ўзбекистон-Миср ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар, ўзаро қизиқиш бўлган халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммоларни муҳокама этадилар.

Музокаралар якунлари бўйича турли соҳаларда икки давлат ҳамкорлигини чуқурлаштиришга йўналтирилган қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши режалаштирилмоқда.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ:

## Янгиланиш - тараққиётга қанот

***2007 йил 3 апрелда мамлакатимиз Президенти томонидан имзоланган "2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Унда ушбу соҳани изчил ва барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналарида замонавий асбоб-ускуналар, технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш даражасини ошириш асосида жаҳон андозаларига жавоб берувчи рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланишини таъминлаш юзасидан бир қатор амалий чора-тадбирлар белгиланган.***

Таъкидланган ҳужжатга мувофиқ беш йил давомида республикамиз бўйича 41 та пахта тозалаш корхонасида кенг кўламдаги модернизация ва реконструкция ишлари босқичма-босқич амалга оширилади. Жумладан, 2007 йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикасидаги Хўжайли, Бухоро вилоятидаги Пешку, Навоийдаги Хатирчи, Сирдарёдаги Сайхунобод, Тошкент вилоятидаги Бўка пахта тозалаш заводларининг ишлаб чиқариш технологияси тубдан янгиланиб, самарадорликни кескин оширишга, дунё бозори талабларига жавоб бераднган тола тайёрлашга мустаҳкам замин қўйилади.

*Ислоҳот*

Шу ўринда қуйидаги мазмундаги ҳақли савол туғилиши табиий: "Тармоқ корхоналарини модернизация қилиш ва таъмирлаш соҳасида муайян тажриба тўпланганми? Бу борада кейинги йилларда қандай натижаларга эришилган?" Алоҳида таъкидлаш зарурки, Президентимиз мамлакат иқтисодиётининг таянч тармоқларидан бири ҳисобланган пахта тозалаш саноатини равнақ топтириш, унинг самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини янада яхшилаш масаласига катта эътибор бериб келмоқда. Кейинги пайтларда Бухоро вилоятидаги Ғиждувон, Бухоро, Қашқадарёдаги Шаҳрисабз, Касби, Навоийдаги Навбаҳор, Намангандаги Норин, Косонсой, Чуст, Андижондаги Чинобод, Самарқанддаги Митан, Янгиқўрғон пахта тозалаш заводларида замонавий технология жорий этилганлиги туфайли катта ўзгаришлар юз берди. Бу корхоналарда электр энергия сарфи - 27,8, ёқилғи - 9,4, таъмирлаш ҳамда фойдаланиш-эскириш харажатлари эса мутаносиб равишда 36,8 ва 44 фоизга камайди. Демак, маҳсулот таннархи сезиларли даражада арзонлашди. Шундай иқтисодий кўрсаткичларга модернизация ва реконструкция қилинган Тошкент вилоятидаги Янгийўл, Қорасув, Сирдарёдаги Гулистон, Сардоба, Фарғонадаги "Қўқон-2", Бешариқ, Хоразмдаги Хонқа, Ҳазорасп, Боғот пахта тозалаш заводларида ҳам эришилмоқда.

- Корхоналарни замонавий, серунум асбоб-ускуналар билан модернизация қилиш ва таъмирлаш ишларини лойиҳалаш, техник назоратини олиб бориш борасида ҳам маълум тажрибага эгамиз, - дейди "Ўзпахтасаноат" уюшмаси қайта жиҳозлаш ва моддий-техника таъминоти бошқармаси етакчи мутахассиси Қобилжон Муҳаммедов. - Шунинг учун ҳам ҳукумат қарорида "Ўзенгилсаноатлойиҳа" институти 2007-2011 йилларда олиб бориладиган ишларнинг бош лойиҳачиси этиб белгиланди. Пахта тозалаш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси эса корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш тендер асосида аниқланиб, унда ғолиб чиққанлар зиммасига шундай масъулиятли вазифа юклатилади.

- Кўзда тутилган беш йиллик муддатнинг дастлабки даврида қайси корхоналарни техникавий жиҳатдан янгилаш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган?

Ҳамсуҳбатимизга шундай савол билан мурожаат этдик.

- 2007 йили бешта корхонада шундай ишлар амалга оширилади. Дастурда уларнинг сонини 2008 йили еттитага, 2009 йили эса тўққизтага етказилиши белгилаб қўйилган. Улар қаторида Қорақалпоғистон Республикасидаги Тўрткўл, Элликқалъа, Наманган вилоятидаги Учқўрғон, "Наманган-3", Қашқадарёдаги Жейнов, Қамаши, Чироқчи, Фарғонадаги Қува, Самарқанддаги Челак, Сурхондарёдаги Ангор, Хайробод, Жиззахдаги Зарбдор, Сирдарёдаги Баҳт, Хоразмдаги Қўшкўпир пахта тозалаш корхоналари бор. Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборни қаратиш зарур. Сўз юритилаётган Дастурда корхоналарни реконструкция қилиш соҳасида мамлакатимизда тўпланган тажрибадан фойдаланиш баробарида, хорижий давлатларда, хусусан, Ҳиндистон ва Хитойдаги технологик жараёнларни чуқур ўрганиш, агарда уларда ўрнатилган дастгоҳ ва машина-механизмлар Ўзбекистонда етиштириладиган пахта хом ашёсига ва бошқа ўзига хос хусусиятларга мос келса, уларни қўлланиш масаласи кўриб чиқилади. Бухоро вилоятидаги Ромитан, Самарқанддаги Жума пахта тозалаш корхоналарини реконструкция қилишда Ҳиндистон ва Хитойда ишлаб чиқарилган ускуналар мажмуидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Пахта тозалаш тармоғи республикамиз саноатининг энг кўҳна соҳаларидан бири. Кўпгина корхоналарнинг бунёд этилганига етмиш-саксон йилдан ошган. Уларнинг айримлари вилоят марказлари ва йирик шаҳарлар ўртасида жойлашганди. Бу ўша ҳудуд экологиясига, аҳоли сиҳат-саломатлигига жиддий таъсир этарди. Мустақиллик йилларида бундай заводларнинг кўпчилиги шаҳарлар ташқарисига чиқарилди, атроф-муҳит экологиясини яхшилашга эришилди. Бухоро, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлардаги шу тармоқ корхоналари четга кўчирилганлиги яхши натижа берди. Шу билан бирга, бу муаммо ҳали тўлиғича ҳал этилмаганди. Урганч, Термиз, Қарши, Навоий, Қўқон, Хива, Бекобод, Денов, Жомбой ва бошқа шаҳардардаги заводларнинг асбоб-ускуналари тамомила эскирган бўлиб, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси паст. Буларнинг барчаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шулар ҳисобга олиниб, тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш Дастурини ишлаб чиқиш жараёнида жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналар билан ишлаётган, шунингдек, йирик шаҳарларда жойлашган 30 та корхонани 2007 йил 1 августгача тугатиш белгиланди. Тайёрлов пунктларининг мавжуд тармоғи сақлаб қолиниб, шу ҳудудда етиштирилаётган хом ашё қўшни турдош корхоналарда қайта ишланишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Ўтган йили мамлакатимизнинг тўқимачилик, ёғ-мой саноати корхоналарини ислоҳ қилиш, янгилаш борасида дадил қадамлар қўйилиб, салмоқли натижаларга эришилганди. Бу йил пахта тозалаш соҳасини модернизациялаш ва таъмирлаш юзасидан кенг кўламли Дастурни рўёбга чиқаришга киришилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар йирик тармоқ тараққиётига қанот бўлиб, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Суннат САЙДАЛИЕВ**

## Бошимиз осмонга етди

***Ҳамюртимиз Руслан Чагаев WBA чемпиони Николай Валуевга қарши жанг ўтказиши маълум бўлгач, боксчимиз ғалаба учун бор кучини сарфлашини айтиб, камарни қўлга киритишга ваъда берганди.***

Чагаев ва Валуев ўртасидаги жанг бутун дунё катта қизиқиш билан қаради ва уни муштоқлик билан кутди. Бунинг биринчи сабаби Руслан ва Николайнинг қаторасига эришган муваффақиятлари эди. Ҳамюртимиз ҳисобида 23 жанг, дан 22 ғалаба, бир дуранг бўлган бўлса, россиялик спортчида бу рақамлар 46 тага тенг эди.

Шу ўринда беллашув тафсилотларига бироз тўхталсак:

Штутгарт шаҳридаги "Порше-Арена" саройида Руслан рингга ишонч ва қатъият билан чиқиб келди. Унинг бу ҳаракатига бутун дунё бокс мутахассислари эътибор беришган.

Интернетдаги сайтдан бири бу вазиятга қуйидагича баҳо берган: ўзбекистонлик боксчи рингга дадил, ҳаяжонсиз, ишонч билан чиқиб келди. Ўзбек чарм қўлқоп устаси ҳеч нарсадан чўчимаётганлиги ўша лаҳзалардаёқ сезилиб турганди.

Кутилганидек боксчилар жангни бир-бирларининг ожиз томонларига эътибор қаратиш билан бошлашди. Валуев имкони борича рақибини масофада ушлашга ҳаракат қилган бўлса, ҳамюртимиз чап қўли билан кучли зарбаларни йўллашга пайт пойлади. Шундай ҳам бўлди. Руслан қулай вазият юзага келиши билан рус гигантининг юзини аниқ мўлжалга ола бошлади. Айниқса, учинчи раундда Руслан Валуевнинг юзига бир нечта аниқ зарбаларни йўллаб, рақибини бироз саросимага солиб қўйди. Тўртинчи ва бешинчи раундларда эса зарбалар асосан Николайнинг танасига йўлланди ва бошини унинг йирик гавдаси сақлаб қолди.

*Фахр*

Қолган раундларда ҳам нисбатан фаоллик ва аниқлик Руслан Чагаевда бўлди ва ҳақли равишда WBA чемпионлик камарига эгалик қилди. Буни экс-чемпион Валуевнинг ўзи ҳам тан олди ҳамда қуйидагиларни айтиб ўтди:

– Руслан Чагаев мендан устун ва кучлироқ экан. Унинг кўплаб зарбаларини ўтказиб юборганлигимни тан оламан. Лекин шундай бўлса-да, фаолиятимни давом эттираман. Эртами-кечми рейтингда биринчи поғонагача бораман ва чемпионлик учун яна курашмоқчиман.

Нима бўлганда ҳам, ҳамюртимиз ўзининг нималарга қодирлигини намоён қилди. Унинг бу муваффақияти ҳар қанча эътироф ва ҳар қанча ғурурга лойиқ. Бугун ўзбек халқи бу ғалаба билан фахрланмоқда. Биз ҳам Руслан Чагаевни тарихий зафари билан табриклаймиз ва унинг профессионал боксдаги фаолиятига омад тилаймиз.

**Ф.АБИЛОВ**

**Саъдулла ҲАКИМ**

## Шараф манзумаси

### Ўта оғир вазнда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга

Қадимда дев билан олишиб ютган
Ботирни Олмос деб алқаган элим.
Девдек паҳлавонни маҳв этди Руслан
Йигирма биринчи асрга келиб.
Бунгача Тайсону Люису Руис,
Амриқодан тортиб Оврўпо қадар
Неча йил, уйқудан уйғонгунча рус
Ўз кўмачига қул тортмишдир магар
Сўнг зафар нашъасин сурди Россия
Жаҳон айвонида, келди гали деб.
Не муштитошларни, басма-басига,
Шаштини синдирди улкан Валуев.
Ниҳоят ёришди Шарқ - қуёш томон,
Руслан зарбасидан уйғонди жаҳон,
Голиблик тахтига чиқди Чагаев.
Паҳлавон Маҳмуднинг руҳи бўлди шод,
Тирилгандай бўлди Рустами достон.
Ўн номард келтирса улусга иснод
Бир мард оқламоғи чин экан ростдан.
Ўша оқшом мен ҳам ўзимга сиғмай,
Бедор кутиб олдим баҳорий тонгни.
Рингда Руслан ғолиб ҳайқирганидай
Ҳайқирдим: "Севаман Ўзбекистонни!".
Кўксингни тўлдирса ғурур-ифтихор
Ғойибдан жисмингга кираркан бир куч:
Бўйи узунларга, ана, Руслан бор,
Бўйи йўғон бўлса бизга қилинг дуч.
Буларни айтмоқдан шулки муддао
Эҳтимол, бепоён эмасдир, аммо
Озод Ўзбекистон дасти узундир.

*15.04.07*

*Иқлим*

## Баҳорнинг ўзгарувчан об-ҳавоси

***Баҳор ҳавоси ажойиб, бир зумда ўзгариши мумкин. Эрталаб чарақлаб турган қуёшни тушга бормай булут қоплаб, ёмғир қўйиб бериши ҳеч гап эмас. Ёки аксинча... Шу сабаб, ҳар биримиз кунлик об-ҳаво маълумотига эътиёж сезамиз.***

Республика гидрометеорология марказидан хабар беришларича, республикамизда ҳаво ўзгариб туради. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан эсаётган шамол 17-22 м/с гача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 12-17 даража илиқ, кундузи 25-30 даража иссиқни ташкил этади.

18-20 апрель кунлари ҳаво очиқ бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Фақат Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг баъзи жойларида қисқа муддатли ёмғир ёғади.

21 апрелда Республикамизнинг айрим худудларида момақалдироқ бўлиб қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тоғли худудларда шу кунларда ҳаво ўзгариб туради. 17-18 апрель кунлари момақалдироқ бўлиб қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтиши башорат қилинмоқда. Шамолнинг тезлиги 17-22 м/с гача етиши мумкин. Ҳарорат кечаси 5-10, кундуз 10-15 даража илиқ бўлади.

## Тўполангдарё жиловланди

***Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги Тўполанг сув омборида бу йил 120 миллион куб метр ҳажмда обиҳаёт тўпланади. «Тўполангсувомбори ва ГЭС қурилиши» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари Ҳисор тоғ тизмалари бағрида баландлиги 123 метр бўлган йирик тўғон барпо этиб, иншоотнинг дастлабки босқичини фойдаланишга топширди.***

*Хабар*

Сув омборини қуришда 200 дан ортиқ замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланилди, қарийб 600 нафар қурувчи бетиним меҳнат қилди. Катта ҳажмдаги тоғ жинслари ва шағал тўкилиб, фильтрлаш иншоотлари амалга оширилди. Саккиз километр узунликда туннель барпо этилди.

Денгиз сатҳидан 2 минг 300 метр баландликда қад ростлаган сув омборида энг арзон электр энергияси ишлаб чиқарадиган ГЭС ҳам бунёд этилди. Ўтган йили гидроэлектр станциянинг дастлабки иккита кичик агрегати фойдаланишга топширилди. Айни пайтда бу агрегатлар марказий тармоққа уланган ҳолда истеъмолчиларга арзон электр энергияси етказиб бермоқда. Агар соатига 150 мегаватт ток ишлаб чиқарадиган навбатдаги иккита йирик агрегат ҳам ишга туширилса, воҳанинг асосий ҳудудини Тўполанг ГЭСининг электр энергияси билан таъминлаш имкони вужудга келади.

- Тўполанг сув омбори узунлиги 13,5 километр, чуқурлиги 184 метр, эни 845 метр келадиган йирик иншоот бўлади, - дейди Сурхондарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Бойниёз Жўраев. - У тўлиқ ишга тушгач, 130 минг гектар экин майдонида сув тақчиллиги барҳам топади, 25 минг гектардан зиёд янги ер ўзлаштирилади.

**(ЎзА)**

*Мерос*

***Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги тарих музейига ташриф буюрган киши музейнинг ноёб экспонати – "Аждар карнай"ни кўриб таажжубга тушиши, унинг гўзаллиги олдида лол бўлиши табиий.***

Бронзадан ишланган, шакли олов пурковчи аждарни эслатувчи бу соз, мутахассисларнинг фикрича, беш ярим аср аввал ясалган.

Тарихий маълумотларга қараганда, шоҳ ва шоир Мирзо Бобур Ўшга кетаётиб йўл-йўлакай Булоқбошида тўхтаганида, машҳур уста мирзо Олимни учратиб қолади. Унга ғаройиб шакл ва юқори товуш қувватига эга карнайни туҳфа этади.

## Булоқбошидаги «Аждар карнай»

Уста Мирзо Олимдан қолган бу мерос булоқбошилик карнайчилар томонидан ҳозиргача авлоддан-авлодга сақланиб келинмоқда.

Унинг охирги меросхўри, машҳур карнайчи Равшан Тўқиров бу ноёб созни тарих музейига топширди.

Мазкур антиқа карнайни Париждаги музейлардан бирига олиб кетиш истагини билдириб, хориждан мутахассислар келган эди. Бунга жавобан булоқбошиликлар карнай, музей ҳамда Андижоннинг такрорланмас табиати тасвирга туширилган видео тасмани бериб юборишди. "Аждар карнай" ўз жойини ҳеч қачон тарк этмайди.

**"Туркистон-пресс"**

## Дунё саҳнасида

2

# YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

## Қашшоқлар камаймоқда

***Сайёрамизда яшовчи қашшоқ аҳоли сони XXI асрнинг охирги 4 йилидан бошлаб камайиб бормоқда.***

Бутунжаҳон банкининг янги баёнотида шу ҳақда маълум қилинган. Мутахассислар тадқиқоти натижасига кўра, 2000 йилдан бошлаб дунёда қашшоқ одамларнинг камайиб бориши яққол кўзга ташланган. 2004 йилда кунига 1 доллар ёки ундан ҳам кам даромад кўрадиган одамлар сони дунё бўйича 985 миллионни ташкил этган. Бу 1990 йилга нисбатан 18 фоиз кам деганидир. Қашшоқлар камайишининг энг кўп улуши собиқ СССР ва Шарқий Европа давлатларига тўғри келмоқда.

## Ўзгаришлар кутилаяпти

***Ироқ сиёсий саҳнасида кескин ўзгариш юз бериши кутилмоқда.***

Шиаларнинг радикал кайфиятдаги раҳнамоси Муқтад ас-Садр бошчилигидаги сиёсий ҳаракат ҳукумат таркибидан чиқишини маълум қилди. Бу ҳаракат ҳукуматдаги олтита вазир портфелига эга бўлиб, парламентдаги ўринларнинг ўндан бир қисмини банд этиб келган. Ҳаракат вакилларининг таъкидлашича, бундай қарордан кўзланган мақсад, АҚШ бошчилигидаги коалицион қўшинларни Ироқдан тезроқ чиқариб юборишдир.

## Дарфурда тинчлик кучлари

***БМТ тинчликпарвар кучлари Суданнинг нотинч ҳудуди саналмиш Дарфур вилоятига жойлаштирилади.***

Ар-Риёдда бўлиб ўтган Араб давлатлари лигаси саммитида Судан ҳукумати БМТ билан шу тўғридаги битимга имзо чекишди. 2003 йилдан буён Дарфурда ҳукумат кучлари ва исёнчи гуруҳлар ўртасида кечаётган жанглар 200 мингдан зиёд одамни ҳаётдан олиб кетган. Миллионлаб аҳоли қочқинга айланган. Шу вақтга қадар Судан ҳукумати вазиятни мустақил ҳал этажагини айтиб, у ерга тинчликпарвар кучларнинг киритилишига йўл қўймай келмоқда эди.

## Қурбонлар хотираси

***Исроилда Холокост қурбонларини хотирлаш маросими бўлиб ўтди.***

15 апрель куни маҳаллий вақт билан соат 10.00 да мамлакатнинг бутун ҳудудида янграган сирена овозидан сўнг барча транспорт ҳаракати вақтинчалик тўхтатилиб, икки дақиқалик сукут сақланган.

Иккинчи жаҳон урушида немис қўшинлари томонидан қириб юборилган олти миллион яҳудийлар шарафига барпо этилган "Яд Вашем" мемориал марказига Исроил раҳбари ва ҳукумат аъзолари ташриф буюришди.

## Шаҳзодага аталган тузоқ

***Буюк Британия мудофаа кучларида шаҳзода Гаррини Ироққа юбориш масаласи борасида баҳс-мунозара бошланиб кетди.***

22 ёшли шаҳзода Гарри ўз хоҳишига биноан шу йилнинг май ойи бошларида Ироқда бўлаётган жангларда қатнашишга жўнаб кетади. Шаҳзоданинг бу қарорига Ироқдаги Британия қўмондонлиги норозилик билдирмоқда. Қўмондонлик вакиллари фикрига кўра, Гарри Ироқда жанг қилиш билан бирга нафақат ўзининг, балки хизматдош аскарларнинг ҳаётини ҳам хавф остига солади. Айрим маълумотларда келтирилишича, "Ал-Қоида" террорчи ташкилоти Гаррини Ироқда гаровга олишга тайёргарлик кўрмоқда.

## Жанжалга сабаб нима?

***Нигерияда бўлиб ўтган парламент сайловлари тўқнашувлар билан якун топди.***

Бу галги сайловларда ҳукумат тепасидаги халқ демократик партияси ғолиб келган. Аммо муҳолиф кучлар овоз бериш жараёнларида қонун бузилишларга йўл қўйилганини маълум қилиб, тартибсизлик бошлаб юборишган.

Хабарларга кўра, ғолиб партия тарафдорлари ва муҳолифат ўртасидаги тўқнашувлар оқибатида ўнлаб одамлар ҳалок бўлган. Бир неча биноларга ўт қўйиб юборилган. Нефтга бой Нигерияда бўлиб ўтадиган ҳар бир сайлов деярли шундай якун топади.

## АҚШда нотинч баҳор

***АҚШда баҳор фасли кутилмаган об-ҳаво шароити билан давом этмоқда.***

Мамлакатнинг шарқий қирғоқларига кучли сув тошқини хавф солмоқда. АҚШнинг ушбу ҳудудларига кутилмаганда келиб урилган кучли шамол ўзи билан бирга ёмғир ва қорни олиб келган. Жанубий Каролина, Ғарбий Виржинияларда ўнлаб уйлар сув остида қолган. Нью-Йоркнинг кўпгина кўчаларида ҳаракат умуман тўхтаган.

Ноқулай об-ҳаво туфайли АҚШда 400 дан зиёд авиарейслар бекор қилинган.

**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 17 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1044,13 | 1 Польша злотийси | 444,33 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2492,08 | 1 СДР | 1907,59 |
| 1 Дания кронаси | 228,01 | 1 Туркия лираси | 914,82 |
| 1 БАА дирҳами | 341,35 | 1 Швейцария франки | 1033,06 |
| 1 АҚШ доллари | 1253,31 | 1 ЕВРО | 1699,49 |
| 1 Миср фунти | 220,36 | 10 Жанубий Корея вони | 13,49 |
| 1 Исландия кронаси | 19,19 | 10 Япония иенаси | 105,13 |
| 1 Канада доллари | 1103,75 | 1 Россия рубли | 48,52 |
| 1 Хитой юани | 162,31 | 1 Украина гривнаси | 248,18 |
| 1 Малайзия рингити | 364,71 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Тажрибали чилангар Илҳом Норматов Қува туманидаги ММТП ҳиссадорлик жамиятида бир неча йиллардан буён хизмат қилади. У таъмирдан чиқарган техника ва агрегатлар экинтикин мавсумида деҳқонлар оғирини енгиллаштирмоқда.

СУРАТДА: чилангар Илҳом Норматов ва бош муҳандис Ҳамиджон Усмонов қизғин иш жараёнида.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# Қинғир иш — келтирар ташвиш

***Божхона органлари томонидан юртимиз сарҳадлари орқали товар-моддий бойликларни контрабанда йўли билан олиб ўтилишига қарши қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.***

Яқинда Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари "Истамбул-Тошкент" йўналиши бўйича учиб келган фуқароларни божхона назоратидан ўтказиш чоғида кўп миқдордаги заргарлик буюмларининг ноқонуний равишда юртимизга кириб келиши олдини олишди.

Республикамиз фуқаролари С.Акбарова, М.Назарова, Р.Джатаева ҳамда Тожикистон Республикаси фуқароси Н.Қурбоновлар божхона назоратидан ўтказилганда, ушбу шахслар ўзлари билан божхона баённомасида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўроғи вақтида айтилмаган, қиймати қарийб 54 миллион сўмни ташкил этувчи 3,5 кг.дан ортиқ заргарлик буюмларини яширин тарзда юртимизга олиб кираётганликлари фош этилди.

Ҳозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Фарғона вилояти божхоначилари мўл ҳосил гарови ҳисобланувчи минерал ўғитларни юртимиздан ноқонуний равишда олиб чиқилишининг олдини олишди.

***Божхона***

Фарғона тумани ҳудудидаги айланма йўллар орқали қўшни Қирғизистонга чиқиб кетаётган республикамиз фуқароси Зарип Йўлдошев бошқарувидаги "Дамас" русумли автоулов тўхтатилиб текширилганда, унинг салонида жами 15 қопда 750 кг. минерал ўғит борлиги ва ушбу маҳсулотлар ноқонуний равишда қўшни давлатга олиб кетилаётганлиги маълум бўлди.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимлари эса бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир давомида қўлбола ароқлар тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчи қонунбузарнинг фаолиятига чек қўйишди.

Пастдарғом туманида истиқомат қилувчи Нодира Баҳриеванинг хонадони белгиланган тартибда кўздан кечирилганда, унинг уйидан умумий қиймати қарийб ярим миллион сўмлик 394 дона "қўлбола" ароқлар, 3000 донага яқин ароқ ёпиш учун мўлжалланган қопқоқлар, 1,5 минг донадан ортиқ қалбаки акциз маркалари ва бошқа сохта ароқларни тайёрлашда ишлатиладиган буюмлар топилди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Н.САЛОМОВ**

# Кичик кредитнинг катта фойдаси

***Бизнесда омади чопмаган бир йигит ўйлаб-ўйлаб отасининг ёнига борибди. "Қариянинг банкда пули кўпайиб ётибди. Менга бермай кимга берарди", дея хаёлидан ўтказибди ўғил. Ота чуқур ўйга чўмибди-да, кейин тилга кирибди.***

***–Хўш, ўғлим пулни нима қилмоқчисан, бирорта цех қурасанми ё хизмат кўрсатувчи корхона очасанми? Умуман, нимани мўлжаллаб юрибсан, режангдан гапир-чи?***

Ўғил ҳангу манг бўлиб қолибди. Ахир у банкдан кредит олмоқчи бўлганида ҳам худди шундай муаммога дуч келганди. "Вой, чоли тушмагур-эй. Пулни нима қилишим нега уни қизиқтирди экан. Ё мени биров сотдимикан? Сира тушуна олмаяпман".

–Дада, қўйинг шу гапларни, бизнес учун бироз қўлим калталик қилиб турибди. Шунга қарашиб юборинг, илтимос. Кейин пулни нима қилишимнинг сизга аҳамияти йўқ-ку.

***Банк ва мижоз***

–Нималар деяпсан! – Чол тутақиб кетибди. –Сен менинг фарзандимсан ахир. Сенинг ютуғинг-менинг ютуғим. Сенинг қулфатинг – менинг қулфатим. Яхши одам бўл, дейман. Худа-беҳуда пулни ишлатма, дейман-да. Бу сенга пул бермайман, деганим эмас. Бераман, фақат бир шартим бор.

–Қанақа шарт экан?

–Шартим шуки, ўзимизнинг эски маҳалла бор-у, ўша ерда бобонг ишлаган новвойхона ўрнида замонавий усулда нон ишлаб чиқариш цехи очасан. Пойабзал тузатиш, сартарошлик, савдо дўкони қурасан.

"Пулни беринг-чи нима қилишни ўзим биламан". Гарчи ўғлининг бу гапини чол эшитмаган бўлса-да қўшиб қўйибди:

–Пулни қурилиш ташкилотига ўзим кўчириб бераман.

Ўғил дами чиққан пуфакдай бўшашиб қолибди.

Бу воқеани менга "Микрокредитбанк"нинг Косон тумани бўлими бошлиғи муовини Абдурауф ака Мўминов айтиб, мижоз ҳам банк ишончини қозона олмас экан, ҳеч қачон кредитни расмийлаштиролмайди, деди. Тўғри, Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили май ойида янги – "Микрокредитбанк" ташкил этилгач, фермер, деҳқон хўжалиги ва аҳоли учун микрокредит ва микролизинг хизмати кўрсатиш тизими янги босқичга кўтарилди.

–Косон тумани мисолида айтадиган бўлсак, - дея сўзини давом эттиради А.Мўминов. –Ўтган йил охирига қадар 42 та фермер ва хусусий корхона эгаларига 191 миллион 750 минг сўм миқдорида микрокредит бердик. Шунингдек, 7 та хўжалик юритувчи субъектга микролизинг орқали турли жиҳоз ва техникалар сотиб олиб берилди. Микролизинг бўйича 59 миллион 539 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Ҳаммаси бўлиб йил давомида қишлоқ мулкдорларига 262 миллион 249 минг сўм маблағ ажратилди. Шу ҳисобдан 92 та янги иш ўрни яратилди.

–Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, - дейди А.Мўминов. –Агар банк мижоз имконияти, фаолияти ва психологиясини тўлиқ ўрганмасдан, яъни юқоридаги қария каби тергамасдан пулни бериб юбораверса, маблағ мақсадсиз ишлатиб юборилади. Цех ҳам қурилмайди, янги ишчи ўрни ҳам яратилмайди. Бизнинг мақсадимиз микрокредитни аниқ бизнес режа асосида тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ишбилармонга беришдан иборат. Аслида давлатимиз раҳбарининг банк олдига қўйган вазифасининг моҳияти ҳам ана шуни тақозо этади.

Косондаги "Семурғ" ишлаб чиқариш савдо фирмаси раҳбари Фахриддин Ҳамроев "Микрокредитбанк" билан ҳамкорлик қилаётганидан мамнун. Чунки у анча йиллардан буён кичик босмахона сотиб олиб, аҳоли ва корхоналарга сифатли босма маҳсулотлар етказиб беришни орзу қилиб юрарди. Лекин замонавий ускунани харид қилишга бир оз қўли калталик қиларди. Фахриддин "Микрокредитбанк"нинг Косон тумани бўлими кўмагида микролизингга кичик босмахона олди. Яъни, 12 миллион сўм маблағни банк тўлаб, замонавий ускунани тадбиркорга тақдим этди. Ф.Ҳамроев бу суммани 3 йил мобайнида 7 фоиз устамаси билан қайтаришни ўз зиммасига олди.

–Микролизинг хизмат тури мен ва менга ўхшаган тадбиркорлар учун имконият эшигини очмоқда, - дейди Ф.Ҳамроев. – Чунки кичик босмахона замонавий ва энг сўнгги модель. Шундай бўлгач, ишлаб чиқараётган бланка, иш қоғозлари ва бухгалтерия ҳужжатлари ҳам юқори сифатли. Шу боис, биз лизинг шартномаси бўйича банк олдидаги мажбуриятимизни ўз муддатида бажаришга қодирмиз. Энг муҳими, шу муддатда биз анча-мунча фойда олишимиз ҳам мумкин.

Косонлик яна бир тадбиркор, "Хусусий врачлик қабулхонаси" соҳибаси Рисолатхон Эргашевага банк ультратовуш тиббий аппарати сотиб олиб берди. 12 миллион сўм турувчи бу ускуна лизинг суммаси ҳам тадбиркор томонидан 3 йил муддатда 7 фоиз устамаси билан қайтарилади. Энг асосийси, "Микрокредитбанк"нинг Косон тумани бўлими томонидан ишлаб чиқарилаётган лойиҳалар аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва эл-юрт саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилмоқда. Ана шундай лойиҳалардан яна бири "Мафтункор" ишлаб чиқариш савдо фирмасига 24,5 миллион сўмга микролизинг асосида макарон ишлаб чиқариш ускуналари олиб бориш ҳақидадир. Шунингдек "Бекмуродов Рўзиқул", "Акром Қосимов", "Тош бобо Қўзиев" фермер хўжаликларининг ҳар бирига 3 миллион 663 минг сўмлик тележка, "Тўлға" фермер хўжалигига 7 миллион 740 минг сўмга кичик новвойхона, "Ҳайит бобо" фермер хўжалигига 9 миллион сўмга ғишт қуйиш аппарати, "Жаҳон" фермер хўжалигига 18 миллион 816 минг сўмга "ТТЗ-8011" русумли трактор микролизинг асосида олиб берилди.

Банк мижозлари сони ҳозирда 1150 нафар бўлиб, уларга 50 нафар малакали банк ходими намунали хизмат кўрсатмоқда. Банкнинг Гувалак, Гулистон, Гулбоғ ва Беруний мавзеларида шохобчалари бўлиб, бу минибанклар компьютер ҳамда модем алоқаси билан таъминланган. Яна бир ибратли жиҳати, қишлоқларда электр бўлмай қолган пайтда ҳам минибанк фаолиятини тўхтатмайди. Чунки барча минибанклар кичик электр қуввати тарқатқич – "двежок" билан таъминланган. Бу эса фермерларнинг вақтини беҳуда сарфлаб, туман марказига келишига ҳожат қолдирмайди.

Бошқача айтганда, "Микрокредитбанк"нинг Косон тумани бўлими (раҳбари Бобомурод Умиров) шу йўналишдаги молия муассасалари орасида рейтинг бўйича республикада биринчи ўринни эгаллаб турибди.

**Фахриддин БОЗОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# Чўлда чиниққанлар

***Ўрмонбой раиси Элувесен Қоржабовнинг отарида учратдик. Чўпоннинг кўнгли чоғ. Икки йилдирки, пешқадамликни қўлдан бермайди. Буни чўпон шундай изоҳлайди.***

***–Отам кўп йил қўй боқиб, эл ҳурматини қозонган. У қазо қилгач, қурувчи бўлиб ишладим. Кунларнинг бирида раис билан учрашиб қолдим. "Элувесен, ота касбинг бор, бир отар қўй боқ", деб қолди у. Бу таклиф кўнглимни кўтарди. Кўзи боқдим. Бу йил 513 бош қўзини ўстиришга қолдирдим, - деди чўпон фахр билан.***

–Бу йил, - дейди ширкат раиси Ўрмонбой Кукенов, - Элувесен мукофот тариқасида 125 бош тўқли олади.

Раис сўзини давом эттирди.

–Чўпонлик таёғини қайта қўлга олганлар ёлғиз эмас. Жангис Эшонқулов, Умрзоқ Серикбаев, Ердан Ўнгаев, Тонгатаровлар шулар жумласидан. Улар икки-уч йилда меҳнат мўъжизасини кўрсатдилар.

...“Сарибел" наслчилик хўжалиги кейинги беш йилда мамлакат қоракўлчилик ширкатлари ўртасида пешқадамлик қилмоқда. Эндиликда 159 минг гектарлик яйловда 68,2 минг бош қўй боқиляпти. Бу мол бошига бир ярим гектарни ташкил этади. Барханлар қучоғида ўсаётган ёвшан, саксовул, қуёнсуяк, сингиртак, ялтирбош, қўнғирбош ҳар қандай об-ҳаво шароитида туёқ сонини тўлиқ сақлаш имконини бераётир.

Ўрмонбой раис хўжалик иқтисодиётини кўтариш мақсадида қоракўл терини қайта ишлайдиган ва ундан аёллар монтоси, қўй терисидан ҳамма бош кичик корхонасини ишга туширди. Натижада, ўтган йили ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва сотилди. Ўрмонбой Кукенов сотувга тайёрланган териларни кўздан кечирар экан:

–Қоракўл терилари ичида кумушсимон сургига жаҳон бозорида талаб юқори, - дейди хушҳол. - Сабаби, унинг бошқа териларга нисбатан сифати юқори бўлиб, гуллари бениҳоя чиройли. Шу боисдан бундай терилардан тикилган кийим-кечак енгил, чиройли, нафис бўлиб, харидор дидига ҳар томонлама мос келади.

–Афсуски, бундай жозибабош кичик корхонасини ишга туширди. Натижада, ўтган йили ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва сотилди. Ўрмонбой Кукенов сотувга тайёрланган териларни кўздан кечирар экан:

–Қоракўл терилари ичида кумушсимон сургига жаҳон бозорида талаб юқори, - дейди хушҳол. - Сабаби, унинг бошқа териларга нисбатан сифати юқори бўлиб, гуллари бениҳоя чиройли. Шу боисдан бундай терилардан тикилган кийим-кечак енгил, чиройли, нафис бўлиб, харидор дидига ҳар томонлама мос келади.

–Афсуски, бундай жозибали терилар мамлакат миқёсида атиги 10-15 фоизни ташкил этади, - таъкидлайди ўйчан қиёфада ҳамрохимиз.

...Ўрмонбойнинг ёшлиги чўлда ўтди. Бу зеҳни ўткир бола акаси Серик билан отаси қаватига кириб ишлади. Босган қадамидан ўт чақнайдиган йигит кўп йиллар бўлим молшуноси ва мудири сифатида фаолият юритди. Ниҳоят, етти йил муқаддам Ўрмонбой Кукеновни Конимех туманидаги "Сарибел" наслчилик хўжалигига раҳбар этиб сайлашди.

Кейинги йилларда яссигулли қоракўл терини кўпайтириш жараёнида Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда иш юритилиб, самарали натижага эришилди.

–2004 йилнинг 4 сентябрида Бухоро сури қоракўл қўйларининг кумушсимон яссигулли Сарибел заводи типи яратилди, - дейди олим Амон Раҳимов. - Уни давлат комиссияси тасдиқлади.

Ўрмонбой раис ҳар бир терига меҳр билан боқади.

Улар денгиз бўйидаги қумлоқдек майин йилтиллайди.

Ширкатда ўтган йили 120 тонна жун ва ўн минг дона сифатли қоракўл тери етиштирилди. Келгусида ҳар дона қоракўл терини 15-20 долларга сотиш устида иш олиб бориляпти.

Кукенов қоракўл терини тайёрлаб, хорижга сотиш ўйида бўлди. Кўп бора Россиянинг Новосибирскдаги ҳамкорлари билан мулоқот ўтказди. Изланишлар бесамар кетмади. Ахири ўтган йили "Сарибел-Диамед-Қоракўл" қўшма корхонаси ишга туширилди. Агар корхонада ўтган йили ўн минг дона қоракўл тери ошланган бўлса, бу йил унинг миқдорини 25-30 минг донага етказиш устида иш олиб бориляпти.

... Ўрмонбой Кукеновнинг ҳар бир куни ҳисобли. У чўпонлар ҳузурига шошилади. Чўпон муаммоларини ўрганади ва уларни аниқ-тиниқ бажариш йўлларини излайди.

Кумушсимон яссигулли териларнинг нафислигини таъминлаш, уларнинг жилодорлигини яхшилаш учун жилодор қўчқорлар кўпайтирилган.

–Энди бутун эътиборимизни, - дейди раис, - қўйнинг сифатини янада яхшилашга қаратганмиз.

"Сарибел"да кейинги йилларда ўнта замонавий чўпон уйлари қурилиб ишга туширилди. Янгиқозғон қўрғони аҳолисига тоза ичимлик суви бепул етказиб берилаяпти. Қизилқум бағридаги мўъжаз бу шаҳарчага табиий газ келтирилган.

Хўжалик ҳудудидаги бешта мактаб, учта қишлоқ участка касалхоналари замон талабларига тўла жавоб берадиган даражада таъмирланди. Маданият саройи эл хизматида. "Сарибел сози" фольклор ансамбли ишлаб турибди.

–Кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандининг шартнома тўлови ширкат маблағи ҳисобидан амалга оширилмоқда, - дейди Кукенов.

Хўжаликда савобли ишлар жуда кўп қилинади. Келгусида бу ишларнинг давоми сифатида Янгиқозғонда қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи қурилиши режалаштирилган.

Мақола сўнгида мана бу рақамларга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Ширкат яйловларида 167 та туя, 155 та йилқи парвариш этиляпти. Ўтган йили қоракўлчиликдан 220 миллион сўм соф фойда олинди. Рентабеллик қирқ икки фоизга етди. Бу жамоанинг фидокорона меҳнати юртимиз равнақи йўлидаги муносиб ҳиссаси эмасми?

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Суратлар муаллифи: Жумамурот МИРЗАЕВ.*

МУКА выс.сорт 308,3 ▼ - 8,8 | МУКА 1 сорт 225,3 ▲ + 0,3 | МУКА 2 сорт 200,0 ▼ - 2,3 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 1004,4 ▼ - 7,3 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 1077,2 ▼ - 13,4 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 1162,0 ▲ + 35,6 | КАРБАМИД 249,6 ▼ - 3,3

# Меҳнатидан барака топган

***Халқимизда "Мол боқ, сути бетингга, эти этингга", деган мақол бор. Бу бежиз айтилмаган. Чунки, чорвага эътибор, меҳр халқимизга азалдан бегона эмас. Чорвадор яйловида мол боқиб, қўйларини қўзилатар экан, у нафақат ўзи ёки оиласи, балки эл-юртининг ҳам дастурхони тўкин ва фаровон бўлишига ҳисса қўшади. Шу боис, ўз меҳнати ва олижаноб мақсадлари билан яшовчи оилалар фарзандларида ҳам ана шу касбга меҳр уйғотишади. Чинакам билимдон, тажрибакор чорвадорлар бу касбга болаликдан қизиқиб, жониворлар билан тиллашиб, тажриба орттиради. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётган инсон ҳам ана шундайлардан. Гарчанд...***

Собир Аҳмаджонов асли Самарқанд шаҳридан. Шаҳарда туғилиб, ўсганига қарамасдан болалик чоғларидан чорвадорлик касбига меҳр қўйди. 1939 йили мактабга бориб, ўрта мактабни 1949 йилда аъло баҳолар билан тугатди. Шу йилнинг ўзида Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг зоотехника факультетига ўқишга кирди.

Талабалик чоғида илм-фанга чанқоқлиги, интилувчанлиги, чорвачилик соҳасининг нозик томонларини ҳис қилиши, зукко ва сезгирлиги билан тезда устозлар эътиборига тушди. Ўз даврининг машҳур профессор, фан докторларидан сабоқ олди. Уларнинг ҳар бир маърузалари, лаборатория машғулотларини бутун вужуди билан ўзлаштириб оларди. Ёзги таътилни эса кенг яйловларда ўтказиб, чорвадорлик сирларини ўрганиш, вақт топди, дегунча чўпонлар билан суҳбатлашишни канда қилмасди.

Қишлоқ хўжалик институтини аъло баҳоларга битириб, Самарқанд туманига ишга юборилди.

Машаққатли тинимсиз дамлар бошланди.

Собир Аҳмаджонов қисқа вақт ичида чорвачилик сеҳргари, ўз касбининг пири бўлиш билан бирга, кенг дунёқарашли, юксак маънавиятли, нозик дидли, чуқур тафаккурга эга бўлган, ҳушёр, огоҳликни унутмайдиган ўта зукко инсон сифатида шаклланиб борди. Етук мутахассис, ғамхўр раҳбар бўлиб улғайди.

Собир ака мен раҳбарман деб, ўзини катта олмас эди. Оддий кишилар, меҳнаткашлар билан хуш чеҳраси, беозор муомалалари, ширин суҳбатлари, бегубор мақсадлари ила тез тил топишиб, етти ёт бегона кишилар билан қондош жигардек гурунглашиб кетаверарди. Шунинг учун бўлса керак, оддий чўпон ҳам, деҳқон ҳам унга тортинмасдан дардини айтаверарди.

Булунғур, Жомбой туманларида чорвачилик соҳасида масъул раҳбар бўлиб ишлаган кезларида қўл остидагиларнинг чексиз меҳри, ҳурматини қозонди. Биргина мисол: Жомбойдаги Нормамат Эсонтурдиев номли хўжаликда бош мутахассис бўлган чоғида жамоа хўжалигида 120 та чорва сони бўлиб, 60 та соғин сигирга мавжуд эди. Қисқа вақт ичида жами қорамоллар сони 2000 тадан ошиб кетди, шулардан 1266 боши соғин сигир эди. Чорвачиликда фақат сон эмас, сифати, зоти ҳам муҳим. Собир Аҳмаджоновнинг ташаббуси билан Болтиқбўйи давлатларидан 127 бош қора-ола зотли моллар келтирилди. Қозон ҳам, чўмич ҳам мойга тўлди.

Таъкидлаш жоизки, иш даврида қўшни вилоят ва туманларга Болтиқбўйи давлатларидан келтирилган тўрт мингдан зиёд, ўша давр учун мўъжиза деб қабул қилинган наслли қорамоллар тарқатилди.

Мана шундай ташаббуслар соҳиби бўлган Собир Аҳмаджоновга яна катта ишонч билдирилди. 1972 йили Ғаллаорол туманидаги қолоқ паррандачилик фабрикасини бошқаришдек масъулиятли вазифа унга ишониб топширилди.

Ишни одамлар ўртасидаги муносабатдан, бир-бирига нисбатан оқибатдан, меҳнатга бўлган ҳурматдан бошлади. Бу жойда ҳам иш тизими, меҳнат унумдорлиги тобора ортиб борди. Тухум етиштиришни 1 миллион 200 мингтага етказди. Гўшт тайёрлашни кўпайтириш мақсадида жўжа очдириб, фабрика кенг тармоқли хўжаликка айлантирилди. Фориш, Жиззах ва бошқа қўшни туманларга жўжа ва куркалар етказиб бериб, одамлар дастурхонини парҳез таомлари билан обод қилди.

**Шундай одамлар бор**

Собир ака фабрикани қабул қилганда 250 минг товуқ бўлиб, шароитлар ниҳоятда жўн эди. Фабрика қисқа вақтда замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Шу асосда 1972 йилдан 1983 йилгача самарали фаолият кўрсатди.

Шундан сўнг у Самарқанд шаҳридаги "Пахтамаш" заводида директор ўринбосари вазифасида оз эмас-кўп эмас, ўн йил қизғин меҳнат қилди. Заводнинг янада оёққа туришида, жаҳонга танилишида катта хизматлари учун қатор мукофотлар соҳиби бўлди. Рафиқаси Гулнеҳра ая билан бирга беш фарзандни эзу халқ хизматига камарбаста қилиб тарбиялади. Хулоса қилиб айтганда, Собир Аҳмаджонов узоқ йиллар мобайнида Самарқанд, Булунғур, Жомбой, Ғаллаорол туманларида чорвачилик ва паррандачилик соҳаларида раҳбарлик вазифаларида ҳалол ишлади. Ташкилотчилик, ишбилармонлик, фидокорлик фазилатларининг янги-янги қирраларини намоён этди. Айни пайтда у қарилик гаштини суриш билан бирга, уйда чорвачиликни давом эттириб, эл дастурхонини тўкин қилишга ҳисса қўшаётир. Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фахрийлари Самарқанд шаҳар кенгаши аъзоси сифатида фаол иш олиб бормоқда. Ёшлар тарбияси билан шуғулланмоқда.

–Муҳтарам Президентимизнинг Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақидаги қарорини фахрий оқсоқолларимиз зўр қувонч ва фаоллик билан кутиб олдилар, – дейди шаҳар ҳокими Суҳроб Рафиков. – Шаҳар аҳлининг қутлуғ тўйга тайёргарлик борасида олиб бораётган ишларига улар бош-қош бўлишмоқда.

Ҳа, Собиржон Аҳмаджонов ана шундай одам. Ёши етмиш бешдан ошган бўлса ҳам тиниб-тинчимайди. Меҳнат қилиб, жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатиб чарчамайди. Зеро, у меҳнатдан бахт, обрў-эътибор топган инсон. Унга ҳар ким ҳавас қилса арзийди.

**Тангир САТТОРОВ,**
**Самарқанд шаҳар маънавият ва маърифат тарғибот маркази раҳбари.**

*Муҳофаза*

***Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси қоидалари одамларни иш жараёнида эҳтиёт бўлишга ундайди ва турли тасодифий бахтсиз ходисалардан сақланишга кўмаклашади.***

Наманган вилоят меҳнат муҳофазаси мутахассислари уюшмаси ўн беш йилдан буён бу борада кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келяпти.

Республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам уюшманинг фаолият юритувчи, филиаллари мавжуд, хайрихоҳлари кўп.

# Олдини олган яхши

–Ўтган давр ичида хавфсизлик мавзусида минг турдаги плакатлар тайёрлаб, кўп нусхада чоп этдик ва меҳнат жамоаларига етказиб бердик, - дейди уюшма раиси Мирзараҳмат Отажонов. – Соҳаларга оид хавфсизлик йўриқномалари нашр этилди, махсус ҳимоя воситалари етказиб бермоқдамиз. Алоҳида курсларимизда мингдан ортиқ ишчи-ходимлар хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси бўйича ўз малакаларини оширишди.

М.Отажоновнинг таъкидлашича, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳар қачонгидан муҳим аҳамиятга эга, чунки техника ривожланиб бориши ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунимизда белгиланган ҳуқуқий асослар бу масалага ниҳоятда жиддий ёндашишни тақозо этади.

Одатда, йўлга отланаётган кишига яхши тилак билдириб, "Йўлингиз бехатар бўлсин", дейишади. Шу каби бир ишга шайланган кишининг меҳнати ҳам бехатар бўлиши учун уюшма мутахассислари ўз ёрдамларини аямайдилар.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# Тунда "пишар" олма

***Бўзқишлоқда аввалларида "Эшёз эгрининг бир туп олмаси салкам бир ярим тонна мева бераркан", деган гап-сўзлар айланиб юрса, ўтган кузакдан буён бир дарахтнинг шунча ҳосил қилиш "сири" айтилиб, бир зумда эл оралади.***

Тешабой Қорабоев мактаб директори бўлгач, қиғирлигидан бирор жойда қўним тополмай юрган Эшёз амакисини "Ҳаммага қилган эгрилигини менга қилмас" деган ўй билан коровулликка олди. Тўғри, у меҳнат қилишдан қочмайди. Лекин ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас деганларидек, қўли эгрилигини сира ташламаган. Унинг эшиги олдидаги бир туп олма қип-қизил, чиройли мева қиладию, тахирлигидан оғизга солиб бўлмайди. Қўшниси, соддадил Ражаб бобо бир гал:

–Эшёз иним, бу олмани еб бўлмаса, соясида ўтиролмасанг, шунча ерни эгаллаб турибди-я, чопиб ташламайсанми?– деганида у:

–Нималар деяпсиз, бунинг бир ўзи "беш юлдуз" ва "семеринка" олмасидан нақ бир ярим тоннагача ҳосил беради, - деган экан. Шундан буён у-бу ёшлар ва соддароқ бўзқишлоқликлар бунга ишониб, шайтонроқлари эса киноя билан:

–Эшёз эгри тунлари янада кўпроқ ҳаракат қилса, бир туп олмасидан икки тонна ҳам мева олиш мумкин, - деб қўярканлар.

Кузда директор кўз остига олиб қўйган олмалари ўғирланаётганини пайқаб, дарров милициягa хабар қилади. У ёқ — бу ёқни синчиклаб ўрганган "участковой" ишни қоровулнинг ўзидан бошлайди. Не кўз билан кўрсинларки, кеча ўғирланган олмаларнинг бари ўша тахир мева қиладиган дарахт тагига тўкиб қўйилган экан.

Ҳартугул, яқинда Эшёз эгри ўша "серҳосил" дарахтни қўпориб, ўрнига тўрт туп олма кўчати экибди, деган гап-сўзлар тарқалди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# Тошкентлик "катта одам"

***Ўтган асрнинг 70-йиллари эди. Соддагина Қурбон бобо бир воқеани айтиб бериб, ҳаммани ҳайрат билан кулдирганди.***

Маълум бўлишича, Қурбон ота Тошкентга бормоқчи бўлибди. Шаҳарни умрида кўрмагани учун ўша жойда ўқийдиган талаба йигит – Ғанидан Тошкентга ўзи билан олиб кетишни илтимос қилибди.

Катта шаҳар эмасми, кўчаларда машиналар ғиз-ғиз қатнаб турган экан.

–Энди, ота, йўлнинг нариги бетига ўтиб олишимиз керак, - дебди Ғани.

–Э, бу турнақатор машиналар орасидан қандай ўтамиз? – сўрабди чол. Шунда Ғанининг қувлиги тутиб:

–Э, бунинг йўли осон. Мен шундай қўлимни юқорига кўтариб, "Тўхта!" десам, ҳамма машиналар тўхтайди.

Ғани светофорнинг қизил чироғи ёниши билан қўлини юқорига кўтарибди. Ҳамма машиналар тўхтаб, пиёдаларга йўл берибди. Бобо беихтиёр "Ё, алҳазар!" деб юборибди.

Кўчанинг қарши томонига ўтиб олишгач, Ғани чолдан сўрабди:

–Ота, энди машиналарга юриш учун рухсат берворайми?

Чол "Майли, болам" дейиши билан светофорнинг кўк чироғи ёнибди ва Ғани қўлини юқорига кўтариб "Ҳайдайвер!" дебди. Яна машиналар қатнови бошланибди.

Ҳайратга тушган чол ёқасини ушлабди. Қишлоққа келибоқ, воқеани айтиб, "Олимжоннинг ўғли Тошкентда жуда катта одам бўлиб кетибди. Кўча тўла машиналар у юр деса юраркан, тўхта деса тўхтаркан", деб гап тарқатади.

# Хазилнинг таги зил

***Турсунбой ака оғир табиатли, тўғри сўз одам. У билан ҳазиллашишга унча-мунча одамнинг юраги бетламайди. Ўзидан анча кичик бўлган Дониёр бир куни Турсунбой ака билан ҳазиллашмоқчи бўлибди. Қўл телефонини унга тутиб, сизни сўрашаяпти дебди.***

Турсунбой ака "сотка"ни қулоғига қўйса:

–Ҳой, олган қарзингни қачон тўлайсан, - дебди телефондаги овоз.

–Қанақа қарз, – дебди Турсунбой ака.

–30 минг олган эдинг-ку, - дебди яна овоз.

–Ҳой, сен кимсан, мен сендан қачон қарз олганман?

–Ия, ҳали тонасанми? Олган қарзингни тан олмайсанми? Биласанми, мен сени нима қиламан?

–Мен ҳеч кимдан, ҳеч қанақа қарз олмаганман. Сен менга туҳмат қиляпсан.

–Нима дединг? Мен сенга кўрсатаман...

Хуллас, телефондан аввал ҳақорат сўзлар, сўнгра сўкиниш эшитилибди. Турсунбой акани жаҳли чиқибди. Қизариб-бўзариб, оғзи калимага келмай қолибди.

Бир пайт Дониёрга қараса, кулиб турганмиш. Унинг ёнидагилар эса "хо-хо"лаб кулаётган экан. шундагина ушбу ҳолат "саҳна кўриниши" эканлигини англаб қолибди. Дарҳол Дониёрнинг ёқасидан олибди.

–Э, бу ҳазил эди, - дебди кулиб Дониёр, - бу "сотка"га киритилган дастур, у орқали сиз билан ҳазиллашдик, ҳолос.

–Нима дединг, нима, мен сенга мазах бўлиб қолдимми? - Турсунбой ака астойдил жаҳл аралаш Дониёрга муштини туширибди. –Ҳали устингдан арз қилиб, милициягa бераман.

Турсунбой ака айтганини қилди. Орган ходимлари Дониёрни бир ой "олиб бориб-олиб келишди". Хуллас, ҳазилкаш Дониёр Турсунбой акадан кечирим сўраб, Турсунбой аканинг кўнглига яқин оғайниларини чойхонада кун бўйи меҳмон қилишга мажбур бўлди.

Ўзи эса кун давомида чойхона эшигида қўлини қовуштириб туришга "ҳукм этилди".

**Карим МАВЛОНОВ**

*Биласизми?*

***Бу сўз лотинчадан муомалага пул чиқариш, деган маънони беради. Халқ хўжалигида қандай пул муомалада бўлмасин, хоҳ у нақд пул шаклида, хоҳ нақд пулсиз ҳолда, хоҳ давлат бюджети маблағи ҳолида ёки ташкилот ва корхоналар ҳисобидаги маблағ шаклида, уларнинг тўпланиш манбаи битта, яъни у банкдир.***

# Эмиссия нима?

Банкларнинг асосий вазифаси нафақат пулларни сақлаш, балки молиявий маблағлар ҳаракатини халқ хўжалигининг барча жабҳаларида тезлатишдан ҳам иборат.

Бу ўта мураккаб ҳаракатни ташкил этиш, тартибга солиш ва қаттиқ назорат қилиб бориш Республикамиз Марказий Банки ва тижорат банклари зиммасига юклатилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, собиқ тузумнинг охирги йигирма йилларида барча республикаларда, жумладан, бизнинг республикамизда ҳам пул муомаласи қонунлари мунтазам бузилиб келинди.

Собиқ иттифоқ даврида катта ҳажмда ишлаб топилмаган пуллар бериб юборилади. Оқибатда, ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан иш ҳақи тўлаш ҳажми икки баробаргача ошиб кетди. Банклардаги нақд пул тушуми ва чиқими орасидаги фарқ эса ойма-ой кескин ошиб бораверди ва у ҳар сафар давлат хазинаси ҳисобидан қопланиб келинди.

Бу йўл нарх-навонинг кескин ошиши, кўзбўямачиликнинг кучайиши, иқтисодий жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келди. Бу ёш мустақил Республикамизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлига мутлақо тўғри келмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Шундай мураккаб вазиятни ўз вақтида ва тўғри англаб етган Ҳукуматимиз раҳбарияти банк тизимини такомиллаштириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва уларнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш борасида қатор қарорларини қабул қилиб, энди ҳар бир тўланадиган сўм ҳалол ишлаб топилган бўлиши керак, деган ҳаққоний талабни қўйдилар ва улар ўзининг ижобий самараларини бера бошлади. Буни бугунги мавжуд банклар мисолида кўришимиз мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, пулимизнинг барқарор бўлиши учун уни қадрлай билишимиз жуда зарур. Муомаладаги пул миқдори ва аҳолига таклиф этиладиган яхши товарлар, хизмат турлари орасидаги муносабатни барқарорлаштириш чораларини кўриш керак. Бунинг учун эса ҳар бир ташкилот, корхона, меҳнат жамоаси ўзида мавжуд бўлган барча имкониятларини тўла ишга туширириши шарт.

**Тоштемир МЎМИНОВ,**
**РАТБ "Ғаллабанк" Қашқадарё минтақавий филиали бош мутахассиси.**

# Юксак хирмонга замин

***Юртимиз далаларида баравж ўсаётган ғалла майсаларини кўриб кўнглингиз яйрайди. Ахир бу қутбарака, эртанги хирмон, дастурхонимизга нон демак. Аммо майсаларда мўл ҳосил битиши кўп жиҳатдан ғаллакорларнинг бугунги меҳнатларига боғлиқ.***

Чунки буғдой парваришида кўкламги тадбирлар айни қизғин паллада. Бугун ғалазорларда бажарилаётган озиқлантириш, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш юмушлари мағзи тўқ, сифатли дон хирмонини таъминлашга амалий хизмат қилади.

Маълумотларга кўра, бу йил республикамиз бўйича 1290 минг гектар майдонда ғалла парваришланмоқда. Шундан 1094 минг гектари суғориладиган, қолган қисми эса лалми ерлар ҳиссасига тўғри келади.

Мавсум бошида мутахассислар томонидан 562 минг гектар ғалла майдонларида бегона ўт босиши башорат қилинган эди. Серёғин келаётган баҳор ва қулай иқлим шароитлари ғалла майсалари билан биргаликда бегона ўтлар кўпайишига имконият яратмоқда. Шу боис ҳам бегона ўтларга қарши агротадбирларни асло кечиктириб бўлмайди. Олинган тезкор маълумотларда келтирилишича, айни дамгача 355,5 минг гектарга гербицидлар ёрдамида ишлов берилган, бу кўрсаткич кунига 11038 гектарни ташкил этаётир.

**Ғаллачилик**

Омилкор деҳқонлар қўлда ўтоқ қилиш ишларига ҳам қизғин киришишган. Хусусан, 582,2 минг гектар майдон ғаллакорларнинг саъй-ҳаракатлари билан бегона ўтлардан тозаланган.

Юксак хирмон яратишга бел боғлаган ғаллакорларимиз баҳорги суғориш ишларига ҳам эътиборни сусайтиришаётгани йўқ. 40128 нафар сувчи-мироблар иштирок этаётган бу тадбир давомида 2150,5 минг гектар майдондаги ғалла суғорилди. Фоизларда ифодалайдиган бўлсак, иш кўлами 196,6 % ни ташкил этади. Ғаллакорларимиз суғориш жараёнида шарбат беришга алоҳида эътибор қаратишган. Бугунги кунгача 1861 минг гектардаги майсаларга ушбу усулда обиҳаёт берилди. Аммо, айрим жойларда барака омили ҳисобланган "шарбат" усулига эътиборнинг сустлиги ташвишланарлидир. Хусусан, Сирдарё (36 %), Фарғона (42,8 %) вилоятларида кўрсаткичнинг пастлиги ушбу замин деҳқонларидан бу жараёнда фаол иштирокларини талаб этади. Ахир, бугунги тадбиру тадорик эртанги барака, мўл ҳосил эканлигини унутмайлик.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**

*Таълим*

## ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ НУКУС ФИЛИАЛИ:

# Соғлом авлод – юрт таянчи

***Ўзбекнинг хислатлари кўп. Санаб адоғига етолмайди киши. Бироқ, барча ўзига хосликлари ичида серфарзандлиги янаям ажралиб турса керак. Унинг болажонлиги ҳам, кўнгли оқлигию юмшоқ феъллиги ҳам шундан. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказишда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган илм масканларидан саналади. У Оролбўйидаги тиббиёт ва болалар шифокорлари етиштирадиган нуфузли ўқув юртидир.***

Мазкур олий таълим даргоҳида тўрт ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланади. Бундан ўн олти йил аввал, яъни илк ташкил этилган пайтлари унда бор-йўғи 100 нафар талаба-ёшлар бор эди. Бугунги кунга келиб кафедралар сони 25 тага етди. 11 нафар фан доктори, 57 нафар фан номзоди мингдан зиёд талабаларга қунт билан сабоқ беришаётир.

–Ўқув жараёнини ташкил этиш "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифалар асосида олиб борилмоқда, – дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси депутати Орол Атаниязова. – Илм даргоҳида асосий эътибор ўтилаётган машғулотлар сифати, лаборатория дарслари ва малакавий амалиётлар самарадорлигини оширишга, ўқув-услубий ва моддий-техник таъминотни яхшилаш, таълимга оид ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда жорий этишга қаратилган. Президент Ислом Каримов асарлари, илмий-назарий қарашлари, маърузаларида эътироф этилаётган Ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат ва фидойилик руҳида тарбияланган, мустақил ва эркин фикрга эга бўлган ёшларни вояга етказишни мақсад қилганмиз.

Илм даргоҳида жаҳон банкининг "Саломатлик" деб номланган бўлимига асосан Шифокорлар ўқув маркази ташкил этилган. Марказга малакали, ўз соҳасини мукаммал биладиган шифокорлар жалб қилинди. Улар шаҳар аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказишяпти. Мазкур марказ ходимлари йил давомида шаҳардан анча олисда жойлашган юздан ортиқ қишлоқ врачлик пунктларида ҳам бўлишиб, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасида тушунтириш ишларини олиб боришди.

Институтда хорижий ўқув масканлари билан ҳамкорлик алоқалари ҳам йилдан-йилга мустаҳкамланиб боряпти. Жумладан, 2004 йилда Италия педиатрия уюшмаси ҳамда Россия давлат тиббиёт институти ҳамкорликда ташкил этган ўқув курсларида билим масканининг 110 нафар ўқитувчилари ўз малака ва кўникмаларини оширишди. Бундан ташқари, бир қатор ходимлар Европа уюшмасининг Темпус дастурига кўра Швеция, Австралия, Италия, Германия сингари ривожланган мамлакатларда бўлиб қайтишди.

Аслида, ҳар қандай билим амали билан аҳамиятлидир. Илм масканида фаолият кўрсатаётган даволаш маркази талабаларнинг амалий кўникмаларни ўзлаштиришига имкон яратаяпти. Белгиланган айрим тиббий амалиётларда талабалар бевосита иштирок этишяпти. Замонавий ускуналар, ўз навбатида, мураккаб биокимёвий рентгенолик ва бошқа текширувларни юқори даражада ўтказишга замин яратади, болалар кардиожарроҳлигининг янги уфқларини очади.

Келажакда Ўзбекистон Фанлар академияси ва бошқа тиббиёт институтлари билан кадрлар алмашиш назарда тутилганлиги ҳам қувонарлидир. Ўтган йили Россия тиббиёт институтининг бир гуруҳ олимлари бу ерга келишиб, турли мавзуларда қатор маърузалар ўқишди.

–Талабалар нафақат ўқишда, балки спорт ва маънавий ишларда ҳам ибрат намуналарини кўрсатишаётир, – дейди филиал маънавиятмаърифат бўлими бошлиғи Қувонч Душмуротов. – Мана, масалан, илм масканининг даволаш иши 6-курс талабаси Замира Палуаниязова 2006 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, деб топилди. Бундан ташқари, спортга қизиққан иқтидорли ёшлар билан тажрибали мураббийлар, спорт усталари шуғулланишяпти. Қўлга киритилаётган натижалар эса чакки эмас.

Филиалда спортсевар ёшларга барча шароитлар яратиб берилган. Жумладан, ўтган йили спорт кафедраси ходими Д.Калбоев Қирғизистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этган нуфузли мусобақада Ўзбекистон Республикаси Қизил хоч жамоаси аъзоси сифатида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Тиббиёт институтлари ўртасида бўлиб ўтган стол тенниси мусобақасида эса филиал жамоаси иккинчи ўрин соҳиби бўлди.

–Малакали шифокор кадрлар тайёрлашда талабанинг маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ишда талабалар ва ходимлар касаба уюшмалари кенгашлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни беқиёс бўлмоқда, – дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали директори маънавият-маърифат ишлари буйича проректори Бекбосин Абсаметов. – Ўқув юртида ўтказиб туриладиган "Талабалар куни", "Гиппократ қасами" кечалари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, истеъдодли ёшлар клуби фаолияти талабаларнинг маънавий камолотига қанот бағишламоқда. Шунингдек, билим даргоҳининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Барча ўқув хоналари замонавий техник воситалар билан жиҳозланган.

Жонажон Ўзбекистонимиз азал-азалдан илм-фан ривожланган, етук олиму уламолар етишиб чиққан юрт бўлиб келган. Ҳозирги кунда ҳам бу борада мамлакатимиз жаҳонда ўз нуфузига эга. Демак, тараққиётга интилиш бизга аждодларимиздан мерос. Шу азалий анъанани Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали жамоаси ҳам астойдил давом эттириб келаётир. Зеро, соғлом авлодни тарбиялаш иши доимо муҳим бўлиб қолаверади.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 94,3 ▼ - 0,6 | УГОЛЬ (бпк) 15,0 ▲ + 0,01 | АРМАТУРА 1660,2 ▲ + 59,7 | ШИФЕР (1 лист) 7830 ▼ - 216 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 259,8 ▼ - 0,2
Если хочешь узнать больше о биржевых ценах, отправь слово UZEX на 8881

*Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан*

# Нур тўла файзли даргоҳ



***Ёғоч зинапоя Абдулла Қаҳҳорнинг иш кабинетига олиб чиқади. Бу ерда ҳамма нарса адиб ҳаёт чоғида қандай бўлса, худди шундай ҳолатда сақланган. Китоб жавонлари шифтга етади. Адибнинг энг севикли ёзувчилари Гоголь ва Чеховнинг асарлари алоҳида токчаларга тахланган.***

Уч оёқли чоғроқ думалоқ столда чет эл сафарларидан бирида адибга совға қилинган бахт-саодат ва фаровонлик тимсоли - ҳинд маъбудаси Шиванинг бронзадан ишланган ҳайкали турибди. Шунингдек, Раж Капур киностудиясининг рамзий ҳайкалчаси ва эсдалик суратлари, Ўзбекистон делегациясига раҳбар сифатида бориб, 1955 йилда Ҳиндистондан олиб келган "Тож маҳал" мақбарасининг макети бу хонадаги энг қимматли экспонатлардан биридир. Бурчакдаги столда дутор ва украиналик меҳмонлар совға қилган чолғу асбоби.

Хонадан кенг ёзув столи жой олган бўлиб, унда ёзув машинкаси, адибнинг кўзойнаги ва ручкаси, қўлёзмаси, календарь ҳамда чойнак турибди.

Адибнинг ўлмас асарлари айни мана шу ерда дунёга келди.

Ёзувчининг қўлёзма дафтарлари, русча-ўзбекча олти томлик луғат билан ёнма-ён олтита ён дафтарчаси турибди. Уларнинг ҳар вараги фикр хазинасидир. Мана ана шу қайдлардан бир нечтаси: "Агар яхшилик ғараздан холи бўлмаса, ёмонликдан фарқи қолмайди", "Ёзувчи келажакнинг махсус мухбири".

Севимли адибимиз Абдулла Қаҳҳор 1958 йилдан то умрининг охирига қадар шу файзли хонадонда яшаб, ижод қилган.

Бу бинони адиб уй-музейига айлантиришда ёзувчининг турмуш ўртоғи, мумтоз адабиёт билимдони, зукко таржимон Кибриёхоним Қаҳҳоровانинг хизматлари катта. Кибриё опа музей ташкил қилингандан (1987 йил 6 май) то умрининг охиригача бу ерда катта илмий ходим вазифасида ишлаб, ўзларининг адиб ҳақидаги хотираларини матбуотда, учрашувларда, давра суҳбатларида сўзлаб берардилар.

Бу ерда ёзувчининг шахсий буюмлари, ҳужжат, орден ва медаллари, қўлёзма ҳамда китоблари, фотосурат ва санъат асарлари ўрин олган. Меҳмонхона ҳамда кутубхона мемориал хоналар ҳисобланиб, уларнинг барчаси адиб ҳаёт чоғида қандай бўлса, ҳозирга қадар ҳам шундай сақланиб келинмоқда.

Уй-музейга келувчи зиёратчиларда, айниқса, адибнинг бебаҳо кутубхонаси катта таассурот қолдиради. Бу бежиз эмас, албатта. Кутубхонада беш юздан ортиқ журналлар ва уч мингга яқин китоблар сақланиб келинмоқда. Булар ёзувчининг бутун умри давомида йиққан бой адабий хазинасидир.

Адиб кутубхонасидан ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиёти намуналарининг ноёб нусхалари, XIX асрнинг иккинчи чорагида Москва ва Санкт-Петербургда чоп этилган қадимий китоблар жой олган.

Бу ерда Қаҳҳорнинг илк қўлёзмаларидан тортиб, бугунги кунгача турли йилларда чиқарилган китобларининг нашрлари, қардош халқлар ва чет тилларда чоп этилган асарлари, адиб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий-танқидий ишлар, хотиралар алоҳида жавонда сақланади.

Шунингдек, адибнинг шогирдлари учун махсус жавон ажратилган бўлиб, уларда муаллифларнинг дастхатлари битилган.

Раҳмат Файзий 1959 йилда нашр этилган "Кишиларимиз қиссаси" китоби муқовасида шундай жумлаларни ёзиб қолдирган эди: "Ҳурматли устоз Абдулла ака! Шу вақтгача китоб ҳадя қилолмаганман. Бу гал шунга журъат этдим. Ғашингизни келтирадиганлари бор, албатта. Койиманг. Маслаҳат, насиҳатларингизга ҳамиша муҳтожман. Чуқур ҳурматим сизга. Таъзим билан Р.Файзий".

Жумладан, Озод Шарафиддиновнинг 1962 йилда нашрдан чиққан "Замон қалб поэзия" китоби муқовасидаги ушбу сатрларга кўзингиз тушади: "Абдулла ака! Отадай меҳрибонлигингиз, устоздай талабчанлигингиз, чексиз инсонийлигингиз, ҳамма-ҳаммаси учун миннатдорлигимнинг кичик нишонаси ўрнида қабул қилгайсиз".

- Уй-музей ташкил қилинганидан бери ходимларимиз адиб ҳаёти ва ижодини ўрганиб, зиёратчилар учун кўргазма режаларини туздилар ҳамда шу асосда суҳбатлар ўтказмоқдалар, - дейди Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори Нодира Жалолова. - Музей фондининг асосий ва ёрдамчи фондлари рўйхат қилиниб, уларнинг картотекалари тузилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Абдулла Қаҳҳорнинг жуда кўплаб қўлёзмалардан ташкил топган архиви адибнинг умр йўлдоши Кибриёхоним томонидан 1972 йилда Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг фондига тақдим этилган ва ҳозирги кунда бу қўлёзмалар музейнинг бебаҳо дурдонаси ҳисобланади.

Айни пайтда бу ерда Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллик юбилейи муносабати билан уй-музейнинг янги экспозициясини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Бўлажак экспозиция уч бўлимдан иборат. "Абдулла Қаҳҳор ҳаёти" деб номланган биринчи бўлимда адиб ҳаётининг турли босқичлари, муҳим воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Шубҳасиз, "Ўтмишдан эртаклар" қиссасини ўқиган зиёратчилар Абдулла Қаҳҳорнинг болалиги билан кўпроқ қизиқишади, муфассалроқ билишни хоҳлайдилар. Шуни назарда тутиб, экспозициянинг бу бўлимида XX аср бошларидаги халқ турмуш тарзини, маданиятини, давр муҳитини жонли равишда кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Экспозициянинг навбатдаги қисмига адибнинг Қўқон педагогика билим юртида ўқиб юрган даври ҳаётига оид ҳужжатлар, маршлар ва шарқиялар битилган, фанлардан тутилган дафтарлар, суратлар ва билим юртининг деворий газетаси қўйилади. "Билим юрти" ва унинг ҳажвий иловаси "Қумортқи" деворий газеталарининг 1922 йилда Абдулла Қаҳҳор муҳаррирлиги остида тайёрланган сонлари адибнинг талабалик давридан ноёб эсдаликдир.

"Қаҳҳор ижоди" деб номланган иккинчи бўлимда эса адибнинг журналистик фаолияти ва ижодининг илк даврларига тегишли ҳикоя, фельетонларнинг қўлёзмалари, улар эълон қилинган вақтли матбуот нашрлари ўрин олади. Бу бўлимда "Сароб" романи ва унинг мураккаб тақдирини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Романнинг турли йиллардаги нашрлари, у ҳақида ҳикоя қилинган мақолалар, тақризлар, илмий ишларнинг авторефератлари кўргазмага қўйилади.

"Абдулла Қаҳҳор мероси" деб номланган учинчи бўлимдан адибга ҳурмат ва эҳтиром намунаси сифатида туҳфа этилган совғалар, мукофотлар, орден ва медаллар, дипломлар, эсдалик буюмлари жой олади.

Ўйлаймизки, бу нур тўла файзли даргоҳ адабиёт аҳлини, қолаверса, адибга муҳаббати чексиз мухлисларини ҳамда ёзувчининг ижодига бефарқ бўлмаган китобсеварларни ҳамиша ўз қучоғига чорлайверади.

**Гулмира МИРЗАЕВА,**
**Абдулла Қаҳҳор уй-музейи катта илмий ходими.**

## Термизда полвонлар бел олишди

***Кураш ватани – Ўзбекистонда бўлаётган ҳар бир мусобақа хорижлик спортчилар эътиборидан четда қолаётгани йўқ.***

Ана шундай турнирлардан бири Ўзбекистон Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирдир. VIII бор ташкил этилган мусобақада бу йил ҳам дунёнинг Буюк Британия, Франция, Греция, Туркия, Бразилия, Япония, Янги Зеландия, Польша, Эрон, Жанубий Африка каби ўттизга яқин давлатларидан полвонлар ташриф буюришди. Шунингдек, бу гал турнир доирасида хотин-қизлар ўртасида биринчи жаҳон чемпионати ҳам ўтказилди.

13 апрель куни Термиз шаҳридаги "Алпомиш" ўйингоҳида бошланган мусобақа унинг мухлисларига олам-олам қувонч ҳадя этди. Шу тариқа икки кун давом этган турнир якунида ўз вазн тоифаларида ҳамюртларимиздан Ғайбулла Нарэуллаев, Омонқул Ғаффоров, Олим Равшанов, Сухроб Дўстов, эронлик Ҳасан Равшаний, Мустафо Далирион ва Жават Рухиний, россиялик Эссен Саидов, исроиллик Питер Бенрозинлар ғолибликни қўлга киритишди. Мутлақ вазн тоифасида эса кўплаб йирик турнирлар ғолиби, ватандошимиз Абдулла Тангриевга тенг келадиган рақиб топилмади. У ҳал қилувчи бахсда бразилиялик Александр Гуедес устидан соф ғалабага эришиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини соҳиби бўлди. Хотин-қизлар ўртасида ташкиллаштирилган мусобақаларда эса 63 килограмм вазн тоифасида юртдошимиз Ўғилой Миролиева ғолиблик шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, 52 килограммли иштирокчилар ўртасида туркиялик Самад Айнур барча рақибларидан маҳоратлироқ эканлигини намоён қилди.

## "Уэмбли"да Бразилияга қарши

***Англия терма жамоаси жорий йилнинг 1 июнь куни Бразилияга қарши ўртоқлик учрашуви ўтказади.***

**AFP хабар беришича, мазкур беллашув афсонавий "Уэмбли" ўйингоҳида бўлиб ўтади.**

**–Биз шуни мамнуният билан айтамизки, Англия термаси "Уэмбли"га яна қайтди. Етти йиллик таъмирлаш ишларидан сўнг ўйингоҳ яна фойдаланишга топширилди. Унда бўладиган Англия-Бразилия ўйини эса мухлислар учун ҳақиқий байрамни туҳфа этади, — дея айтиб ўтган Англия футбол ассоциацияси раҳбари Брайан Бэрвик.**

**Англия терма жамоаси охирги бор 2000 йилнинг октябрида "Уэмбли"да ўз учрашувини ўтказганди. Ушанда инглизлар жаҳон чемпионати 2002 йил саралаш баҳсларидан ўрин олган ўйинда Германияга имкониятни бой берганди.**

**Эслатиб ўтамиз, ўйингоҳни таъмирлаш ишларига 800 миллион фунт-стерлинг (1,45 миллиард АҚШ доллари) миқдорида маблағ сарфланган.**

Бешинчи турдан сўнг 15 очко жамғарган "Нефтчи" клуби турнир жадвалида карвонбошилик қилмоқда. Кейинги ўринларда бораётган "Пахтакор" 13 очко жамғарган бўлса, "Андижон", "Қурувчи" ва "Қизилқум" клублари ҳисобида 12 тадан очко бор.

***

Биринчи лига жамоалари ҳам бешинчи тур учрашувларини ўтказишди. Натижалар билан танишинг: "NBU-Осиё"–"УзДонг Жу"–4:1, "Шайхонтоҳур"–"Цементчи"–3:0, "Ғаллакор"–"Кимёгар"–1:0. "Каттақўрғон-Д"–"Локомотив БФК"– 2:0, ОТМК–"Жайҳун"–2:2, "О.Акбаров"–"Хоразм"–0:0, "Зарафшон"–"Машъал-2"–2:1, "Ромитан"–"Шўрчи-Лочин"–0:0, "Косонсой"–"Оқтепа"–2:1, "Шаҳрихон"–"Сўғдиёна"–1:3.

Турнир жадвалининг юқори поғонасидан "NBU-Осиё" клуби 12 очко билан жой олган бўлса, унинг энг яқин таъқибчилари "Ғаллакор" ва "Сўғдиёна" жамоалари ҳисобида ўн биттадан очко мавжуд.

## "Қурувчи" "Машъал"ни мағлуб этди

***Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига жамоалари ўртасидаги 5-тур учрашувларида кутилмаган натижалар қайд этилди. Тажрибали клублардан бири "Машъал" лига дебютанти "Қурувчи"га имкониятни (0:1) бой берган бўлса, "Насаф" "Трактор"дан 1:3 ҳисобида мағлубиятга учради.***

Мавсумни омадсиз бошлаган "Навбаҳор" ҳам кетма-кет икки турдан буён ғалаба қозонмоқда. Наманганлик футболчилар бу турда "Бухоро" устидан зафар қучишди – 2:1.

Қолган ўйинлар натижалари билан танишинг:

"Металлург"–"Андижон"–1:4, "Вобкент"–"Шўртан"–0:4, "Қизилқум"–"Тўпаланг"–3:0, "Самарқанд-Д"–"Пахтакор"–0:1.

Бешинчи турнинг яна бир учрашуви кеча бўлиб ўтди. Унда "Локомотив" ўз майдонида "Нефтчи"га қарши бахс олиб борди ва 1:3 ҳисобида мағлуб бўлди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

*Қишлоғимиз тарихини ўрганамиз*

# Бўри ови

***Болаликдан қишлоғимнинг номи нега "Бўри" деб аталганини билишга қизиқардим. Манбаларда қайд қилинишича, Каттақўрғон туманида 1874 йилларда ҳам Бўри номли уруғ ва шу ном билан аталган қишлоқ мавжуд бўлган. Албатта, бу атаманинг айнан бўри овловчилар билан боғлиқ жиҳати бор.***

Ҳамқишлоғимиз Солихон бобонинг ота касби чўпонлик. Отахон бўричилар (бўри овловчилар)ни маълум уруққа мансуб бўлганлигини, овчиликнинг бу тури билан шуғулланиш уларга ота-боболаридан мерос бўлиб келганини айтади.

– Уларнинг бўри овчиси эканлигини тасдиқловчи далилига қараб кишилар бунга ишонишган, – дейди саксон ёшдан ошган Солихон ота.

Яъни, овчи ўзи билан тирик бўрини олиб юраркан. Бўричилар чўпонларга шу рамзий тамғани кўрсатгач, қўйларга қирон келтираётган бу йиртқич жониворларни овлашга киришилган. Ов муддати, яъни шу ҳудудни бўриладан тозалаш вақти белгиланган. Бундай овчилар бўриларнинг табиатини жуда яхши билишади ва шунга қараб иш тутишади.

Аввало, улар қўтони айнан шу жониворнинг уяси яқинига қурдиришади. Чунки у ўз ҳудудида ов қилмайди ва ёт бўриларни бу ерга йўлатмайди. Лекин бунинг нозик бир жиҳати ҳам бор. Бўрилар ўзига "қарашли" қўтон эгасидан сийлов, яъни емак кутади. Чўпон ҳар ойда битта қўйни сўйиб, унинг уяси олдига қўйиб кетиши лозим. Агар бўри қоидани бузиб, ўз ҳудудидан ов қилса (бундай ҳолат жуда кам учраган), овчилар уни дарров ўлдиришган.

Чўпон Абдураҳим ака бўри овчилари вафот этса, иложи борича кўп овоза қилмай, аниқроғи, бўриларга сездириб қўймасдан дафн этилганлигини эслайди. Негаки, бўрилар шунчалик қасоскор бўларканки, ҳатто, қабрдаги майитни ташқарига чиқариб кетишар, бу билан овчидан ўч олишаркан. Айтишларича, бундай ҳол бир неча бор содир бўлган экан.

Қишлоқларнинг Бўри деб аталиши асли Зарафшон водийсида яшаган қипчоқларнинг бўри уруғи номидан келиб чиққан ҳам дейишади. Каттақўрғондаги каби балки бошқа туман ва вилоятларда ҳам шундай номланган кишлоқлар бордир. Табиийки, жойларнинг кўҳна номлари шу ҳудуднинг ўтмишидан бизни воқиф этиб туради.

**Фаррух ЭРГАШЕВ,**
**Тошкент Давлат Шарқшунослик институти талабаси.**

**Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат-лавҳа.**


ЧФ "Nigma plus" (код по ОКПО 18879429) сообщает о преобразовании в ООО "Nigma plus". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, Мирабадский р-н, ул.Мовароуннахр, 33.

Утерянный гос.ордер № 10-01/4312 от 02.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Дулунбаев Д., считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 04-02/15806 и план дома, выданный от 08.04.1993 г. находящиеся по адресу ТТЗ-2, д.59, кв.10 на имя Лободанов Александр Васильевич, считать недействительным.

ЧФ "Gulnor Savdo" Учтепинского района г.Ташкента сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО "Gulnor Savdo". Претензии принимаются по тел.: 170-44-52.

АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан 2000 йил 15 сентябрда "NOSIR XO'JA" ХИЧТФга берилган, "NOSIR XO'JA" ХИЧТФни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги далолатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимлиги томонидан Туранова Сабохат номига берилган, 21-мавзе, 10-уй, 3-хонадонга тегишли бўлган уй режаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Г.Абдурашидов кўчаси 1ª-уйда жойлашган "SAVDOFARMSANOAT" (ОКПО бўйича код 71150) МЧЖ тугатилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 137-62-06.

"Ўзавтойўл" ДАКнинг 2006 йил 13 декабрдаги 238-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги "Тошкент махсус йўл-кўприк пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси" (ИНН 200662191) номи "Тошкент кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси" деб ўзгартирилди. Тел.: 195-02-80.

ЧФ "BOBO-TEMUR" Чиланзарского района г.Ташкента реорганизуется в ООО "BOBO-TEMUR" и повышает Уставной фонд. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 188-80-90.

ДП "RAHSHONA.H.H." (код по ОКПО 18653300) Кибрайского района Ташкентской обл. меняет форму собственности на ООО "RAHSHONA.H.H.". Претензии принимаются в течение недели со дня опубликования объявления. Тел.: 100-84-00.

ООО "Шарк глобал сервис" Зангиатинского района Ташкентской обл. сообщает об уменьшении Уставного фонда с 111 188 867 сум до 68 063 751 сум. Тел.: 126-88-91.



**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Саид АҲМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

① -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:**

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Ш.САНАЕВ

Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ

Бош мусаҳҳиҳ: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-317, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.20. Босишга топширилди: 21.20 Адади - 17910

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6